

Уқувчининг исм-фамилияси \_\_\_\_\_ синфи \_\_\_\_\_

### 1-қисм

**№1.** Гапнинг бош бўлаклари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) Тўлдирувчи, ҳол                                  б) Эга ва кесим  
в) Аниқловчи кесим                                  г) Пайт ҳоли, тўлдирувчи

**№2.** Гапнинг грамматик асоси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) Эга                  б) Кесим                  в) Эга ва кесим                  г) Тўлдирувчи

**№3.** От кесим иштирок этган гапни топинг

- а) Она уйкуга кетди.                                  б) Ўқувчи жавоб берди.  
в) Қирғизистоннинг пойтахти- Бишкек.                  г) Тонг отди.

**№4.** ”Эгри озади, тўғри ўзади” гапининг эгаси нима билан ифодаланган?

- а) Феъл                  б) Олмош                  в) Сифат                  г) Ҳаракат

**№5.** Ҳол қандай бўлак?

- а) Бош бўлак                                  б) Ажратилган бўлак  
в) Уюшиқ бўлак                                  г) Иккинчи даражали бўлак

**№6.** Гаплар мақсадга кўра...

- а) Ҳис- ҳаяжонли ва ҳис- ҳаяжонсиз бўлади.  
б) Содда ва қўшма гапларга бўлинади  
в) Дарак ва сўроқ гапларга бўлинади  
г) Дарак, сўроқ, буйруқ гапларга бўлинади

**№7.** Илтимос маъносини ифодаловчи буйруқ гапни аниқланг.

- а) Бугунги ишни эртага қўйма.  
б) Мен сизга бир машқ қилиб берайки.  
в) Майли бахтингизни синаб кўринг.  
г) Қўшни, қайчингизни бериб туринг.

**№8.** Кесим уюшиб келган гапни топинг.

- а) Чўлда саксовул, янтоқ ўсади.                                  б) Қўнғироқ чалинди.  
в) Ўқувчилар дарсда ўқидилар, ёздилар.                                  г) Қуёш чарақлаб чикди.

**№9.** ”Биз тўғрилиқни, меҳнатни, ҳалолликни севамир” гапида қайси бўлак уюшиб келган?

- а) Эга                  б) Кесим                  в) Тўлдирувчи                  г) ҳол

**№10.** Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) Эга, кесим, ҳол                                  б) Аниқловчи, эга  
в) Эга, тўлдирувчи, ҳол                                  г) Тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи

**№11.** Эга қандай сўроқларга жавоб бўлади?

- а) Кимга? Нимага?                                  б) Ким билан? Нима билан?  
в) Ким? Нима? Қер?                                  г) Кимда? Нимада?

## 2-қисм

### Ўқиш ва тушуниш

#### Матн 1.

#### Матнни ўқинг ва топшириқларни бажаринг

#### Ақлли ўрдак



Нил дарёсига туташ далаларнинг бирида бир Ўрдак кичик болалари билан бирга яшар эди.

Бир куни Бўри ов қилиш учун чиқди ва Ўрдакни кўриб қолди. Уни ҳийла қилиб бўлса ҳам тутиб ейишни ўйлади.

Бўри далани суғорадиган деҳқон кийимини кийиб Ўрдакнинг олдига келди ва жўжалардан бирини тутиб олди. Ўрдак бу ишдан жуда қаттиқ ғамга ботди. Чунки кўз

ўнгида болаларининг бирини Бўри еб кетганини кўрди.

Бўри кейинги куни ҳеч ким танимаслиги учун бошқача кийимда келди, лекин думи кўриниб қолган эди. Она Ўрдак болаларини қанчалик ҳимоя қилмасин, яна бир жўжани тутиб олиб кетди.

Ўрдак нима қилиб Бўридан қутилишни ўйлади ва Хўрознинг қийимини кийиб олди. Бўри эса шифокор сифатида келиб унга: "Эштишимча, бир ўрдакча касал бўлиб қолибди, уни кўриб қўйиш учун келдим", деди. "Ҳа, у чиндан ҳам касал, фақат у оғилхонада", деб ичкарига киритди.

Бўри унинг ортидан ичкарига кирди. Ўрдак эгасини чақирди. У келиб Бўрини тутиб олиб, терисини шилди.

Сабоқ: ота-она билан бўлган ҳаёт жуда ғўзал. Лекин ҳаётда қутилмаган синовлар кўп бўлади. Инсон зийрак бўлиб, ўзи ва атрофидагиларга зарар етишининг олдини олиши керак. Яна шунини унутмаслик керакки, ёмонлик жазосиз қолмайди.

**№12.** Матннинг асл ғоясини топинг.

- а) Ўрдак кичик болалари билан бирга яшар эди.
- б) Бўри ов қилиш учун чиқди.
- в) Бўрини тутиб олиб, терисини шилди.
- г) Ёмонлик жазосиз қолмайди.

**№13.** Ақлли ўрдак қандай қилиб бўрини жазолади?

- а) Ўрдакнинг олдига келди.
- б) Думи кўриниб қолган эди.
- в) Унинг ортидан ичкарига кирди.
- г) Ўрдак эгасини чақирди. У келиб Бўрини тутиб олиб, терисини шилди.

**№14.** Ажратилган гапни қандай ибора билан алмашса бўлади:

**Ўрдак бу ишдан жуда қаттиқ ғамга ботди.**

- а) Ўрдакни қорни очди.
- б) Ўрдак жуда ҳафа эди, чорасиз эди.
- в) Ўрдак сувга шўнғиди.
- г) Ўрдак бўридан кўрқди.

**№15.** Ўрдак нима учун ғамга ботди?

---


**№16.** Нимага автор ўрдакни ақлли деди? 2та мисол келтиринг.

---

---

## Матн 2.

### Матни ўқинг ва топшириқларни бажаринг Дўстликнинг охири



Икки ошна ёшликдан бирга ўсдилар. Давр келиб иккаласи ҳам ўз бахтини излаб йўлга чиқсалар, икки йўл учрайди. Бири бир томонга, иккинчиси бошқа томонга йўл оладилар. Улардан бири шахарма-шахар юриб илму - хунар орттиради. Иккинчиси борган шаҳрида подшоҳ сайлаш учун учирилган семурғ қуш тасодифан унинг бошига кўниб, шу шаҳарга шоҳ бўлиб қолади. Йиллар ўтиб, дўсти шу шаҳарга келади. Ҳар ерга қўйилган шаҳар шоҳининг расмига кўзи тушди. Дўстининг иқболидан шодланиб, уни кўришга ошиқди.

Подшоҳ саройига бориб, унинг ҳузурига кирди. Подшоҳ уни таниб, танимасликка олди. У куюниб, ёниб «Ахир мен сенинг дўстинг фалончиман-ку!» деб ўзини танитди. Дўстимнинг ҳолидан хабар олай деб ҳузурингга келган эдим», дебди-ю, йўлига қайтибди. (103та сўз)

**№17.** Дўстлик тушунчаси нима? 1-2 гап билан тушунтиринг.

---

---

**№18.** Иккинчи дўст қандай қилиб подшоҳ бўлиб қолди.

- а) Илму-хунар орттириб, подшоҳ бўлди.
- б) Бошига семурғ қуши кўниб, подшоҳ бўлди.
- в) Отаси подшоҳ бўлган эди.
- г) Душманларни енгиб, подшоҳ бўлди.

**№19.** Биринчи дўст иккинчи дўстининг подшоҳ бўлганини қандай билди?

- а) Дўсти хабар жўнатди.
- б) Тушида кўрди.
- в) Ҳар ерга қўйилган шаҳар шоҳининг расмига кўзи тушди.
- г) Дўсти шоҳона кутиб олди.

**№20.** Сизнинг ҳам дўстингиз борми? Дўстликнинг шундай якунини хоҳлармидингиз?

---

---